

СИРОЖИДДИН САЙИД ИЖОДИДА ИНСОН МАЪНАВИЯТИ МУАММОЛАРИ

Намуна НАЗАРОВА

ўқитувчи

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани

258-мактаб

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада шоир Сирожиддин Саййиднинг инсон маънавияти муаммолари акс этган шеърлари таҳлил қилинган. Инсон қалбидаги, дунёқарашидаги эврилишлар, бунинг сабаблари, оқибатлари ва ечимлари тилга олинган шеърлар атрофлича ўрганилган.

Таянч сўзлар: маънавият, шеърят, халқчиллик, миллийлик, улуғворлик, ватанпарварлик, калтафаҳмлик, онгсизлик, фожиа, бадий санъат, поэтик топилма.

ПРОБЛЕМЫ ДУХОВНОСТИ ЧЕЛОВЕКА В ТВОРЧЕСТВЕ СИРОЖИДДИНА САЙИДА

Намуна НАЗАРОВА

преподаватель

Юнусабадский район города Ташкента

школа № 258

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье проанализированы стихи поэт Сирожиддина Сайида, отражающие проблемы человеческой духовности. Подробно изучены стихи, в которых упоминаются изменения в душе человека, его мировоззрении, причины, последствия и пути их решения. Изучались художественные находки поэта.

Ключевые слова: духовность, поэзия, народность, национальность, величие, патриотизм, безрассудство, бессознательное, трагедия, художественное искусство, поэтика, находка.

Аёнки, одамзод барча жонзот ва мавжудотлардан афзал қилиб яратилган. Сўз санъатининг барча намуналари “инсон” теграсида бирлашади. Хоҳ насрий, хоҳ лирик, хоҳ драматик асарлар бўлсин барчаси инсон кечинмалари, ҳис-туйғулари, орзу-ниятлари, изтироблари, ғояларини поэтик сўз орқали ифодалашга хизмат қилади. Ижодкор ўз қалами, ҳаётий тажрибалари, ички сезишлари орқали инсон қалб кечинмаларини, айни дамда уни ўраб турган муҳитга, жамиятга алоқадор вазифаларни ифода этишни бош мақсад қилиб қўяди. Ижодкорлардаги ўткир нигоҳ, узоқни қўра

олиш, теран фикрлаш қобилияти, ақл-у тафаккур қилиш салоҳияти бошқалардан ажралиб туришга ундайди. Шунинг учун ҳам улар бошқалар англаб етмаган, илғамаган жиҳатларни биринчилардан бўлиб англайди ва пировардида бундан бошқаларни ҳам воқиф қилишади. Шоир Сирожиддин Саййид ҳам ўзининг ўткир қалами билан инсонлар руҳиятини бадиий сўзлар шодаси билан гўзаллаштиришга, чиркинликдан холи бўлишига ҳаракат қилади. Шоир сўзи билан айтганда эса:

*Шеърят - гул эмас, чечак эмас, асли
Рух ва кўнгилларнинг кирсовунидир” [3;50].*

Профессор Марғуба Мирқосимова “Сўз йўли манзаралари” номли мақоласида шоир шеърларини таҳлил қиларкан қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “...барчамизни ўзлигимизни танишга, ўз кўнгил йўлимизни тайин этишга ундайди, оғриқли саволлар билан туйғуларимизни, хаёлларимизни силжитади...” [1;132]. Шоир шеърларини таҳлил қилар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам бир зум бўлса-да ўйга толамиз.

*Қанча сурувларни одамзот еди,
Барра ширвозларни еди одамзот.
Семиз қўчқорларнинг бошига етди,
Айтинг, қай манзилга келди одамзот?
Туриб илик ейди,
Гўшт ейди ухлаб,
Зарра парвоси йўқ китобга, куйга.
Ҳозир у ётибди қорнини силаб,
Ўзи ҳам айланиб қолганми қўйга?... [3;49].*

Шеърда инсонларнинг маънан қашшоқлашиб кетаётгани, қадрини эмас қорнини ўйлайдиган калтафаҳмларнинг борлиги, уларнинг лоқайдлиги шоирни ўйга толдиради. Айниқса, “зарра парвоси йўқ китобга, куйга”лиги бутун дунё жамиятининг оғриқли нуқтаси эканлигига алоҳида урғу беради. Бу хатарнинг олдини олишга чақиради. Инсонларни қўйга ўхшаб эмас, аксинча, ёниқ қалб билан яшашга ундайди. Бир қарашда нафис шеърятга

алоқаси йўқдай тасвир этилган дағал манзаралар фонида (одомзоднинг кўчкор-у ширвозларни ейиши тасвирлари назарда тутиляпти) кутилмаганда уларнинг қўйсифат жонзодга айланиб қолиши (“Ўзи ҳам айланиб қолганми қўйга?...”) оқибатида юз бераётган фожиавий маънавий инқироздан огоҳликка чакирув даъватига айланади, ёниқ қалб билан яшашга ундайди. Зеро, шоир бутун дунёда глобал муаммо сифатида талқин қилинаётган маънавий инқирознинг авж олишидан чўчийди. Кишилардаги фикрлаш салоҳиятининг пастлиги, ижобий ҳис-туйғуларнинг тобора йўқолиб бориши, вайронкор ғояларнинг урчиб боришига уларнинг китобдан, санъат асарларидан тобора узоқлашиши, улар бахш этадиган ҳузур-ҳаловатнинг кадрсизланишида, деб билади.

Инсон маънавияти масаласи шоирнинг “Инсонларки...” шеърида ҳам ўз аксини топган. Шеърда умр бўйи бошқалардан нолиб яшайдиганлар зарра бўлса-да бировларнинг ғамига шерик бўлолмасликларини, нафсининг йўлида тулки-ю бўри бўлиши, лекин ор-номус масаласида шер, йўлбарсчалик ҳам бўлолмасликларини, кўп нарсаларга имкониятлари бўлса-да, эл-юрт ривожига хасчалик ҳам хизмати сингмаслигини ва энг ёмони бу дунёга инсон бўлиб келиб инсонийликдан бебаҳралигини ўкинч ва надомат билан тилга олади. Шу ўринда шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини ҳам тилга олиб ўтиш жоиз. Мумтоз адабиётимизнинг етакчи жанрларидан ҳисобланган “туюқ”га хос хусусиятлар “Инсонларки...” шеърининг айрим лавҳаларида яққол кўзга ташланади:

*Умр бўйи **арз** қилдилар-у араз қилдилар, вале*

*Бировларнинг арзи ҳоли баҳосида бир **арз** бўлолмадилар [3;35].*

“...Туюқ омонимларга асосланганлиги сабабли туркий тиллардаги адабиётларга хос лирик жанр ҳисобланади, чунки Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да таъкидлаб ўтганидек, туркий тиллар омоним сўзларга бойлиги билан ажралиб туради...” [2;180]. Юқоридаги мисраларда шоир “арз” сўзини икки ўринда қўллаб матнда омонимик жуфтликни ҳосил қилган. “Умр бўйи *арз* қилдилар-у...” жумласида “шикоят” маъноси

етакчилик қилган бўлса, “Бировларнинг арзи ҳоли баҳосида бир *арз* бўлолмадилар”да эса “арзирли иш қилмади, арзимади” маънолари юкланади.

Шеър якунида адабий фигуралар қаторига кирувчи “анафора”дан унумли фойдаланган. “Агар сўз ёки иборалар бир неча гап, шеърый мисра ёхуд банд бошида такрорланиб келса, бу ходиса анафора деб аталади” [4;123].

Ҳамма нарсадан юлдилар-у, ҳамма нарсага тўлдилар-у,яна

Ҳамма нарса бўлдилар-у дунёсида, Шахс бўлолмадилар [3;35].

Шеърый асарлар насрий асарлардан оҳангдорлиги, жарангдорлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатларни юзага чиқаришда сўзлар такрори ҳам жуда аҳамиятли. “Ҳамма нарса” жумласининг такрори шоир фикрларининг жунбушга келганлигидан ва айтарга бошқа сўз қолмаганидан, бошқа изохга ўрин йўқлигидан далолат бериб туради.

Шоирнинг “Интернет” номли шеъри ҳам маънавият муаммоларига бағишланган. Интернетга хитоб тарзида ёзилган бу шеър бутун жамиятнинг виртуал оламга банди бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб беради. Интернетнинг замон талаби, камолот белгиси эканлигини айтиш билан бирга кишиларнинг миш-мишларга, ғийбатга, фиску фасодга ўралашиб қолаётганидан ўкинади. Қолаверса, ўйлаш, тафаккур қилиш меҳр-мурувват кўрсатиш, яратувчанлик каби фақат ва фақат инсонларга хос олий сифатлардан бебаҳраликка олиб келаётганини айтиб ўтади. Фарзанд тарбиясига, унинг камолотига масъул ота-оналарнинг, униб-ўсиб ота-онасига, юртига суянч-таянч бўладиган ёшларнинг ўз зиммасидаги вазифаларини унутиб, бўлар-бўлмас, ёлғон-яшиқ, фиску фасод, чиркинликлар комига тушиб бораётганликларидан ўртаниб “Интернетга” кинояли, залворли саволларни беради:

Зўр бўлсанг хабар бер, бергил кафолат,

Қачон ер юзида тугар жаҳолат?

Одамзот меҳрга қачон тўйгайдир?

Қачон ёмонликнинг уйи куйгайдир?

Айтгил ука-синглим, яна боламга:

Қачон муттаҳамлар битар оламда? [3;17].

Ваҳоланки, бу саволларнинг жавоби йўқ. Охири йўқ, оқибати йўқлардан узок бўлишни, қимматли вақтини, азиз умрини фойдали ишларга сарф қилишни, маънавий оламини бойитишни шоир ўз мисралари орқали китобхон қалбига сингдиради. Кишиларни огоҳликка даъват этади, инсонийлик қиёфасини сақлаб қолишга ундайди. Шоир бу шеърни ёза туриб глобал муаммоларга ҳам ечим топмоққа, китобхонларни ҳам шунга даъват этишга жазм қилгандай гўё. Сабаби интернетнинг борлигининг ўзи бир муаммо. Халқимизда “Ёмон гап тез тарқалади”, деган гап бор. Дунёнинг кайсидир қисмидаги ёмон иллатларнинг, ваҳшийликларнинг, ёвузликларнинг барчаси интернет орқали зудлик билан бутун ер юзига тарқайди. Бу ҳақда “Глобаллашув: бадий талқин, замон ва қаҳрамон” китобида қуйидагича фикр юритилади: “Бу хунрезликлар тафсилотларини интернет тармоқлари орқали кўрган ёки хабардор бўлган ҳар бир одамда нохуш асорат пайдо бўлади, айниқса, ёшларнинг руҳиятида тузалмас кайфият, стресс ҳолатларини келтириб чиқаради. Бу ҳол улар табиатида тажовузкорлик иллатларининг шаклланишида асосий омил бўлмоқда” [4;10]. Бундай ҳолатлар эса балойи азим, миллат руҳини кемирувчи қуртдир. Интернетдан ақл билан фойдаланилмас экан ўта нохуш ҳолатларнинг юзага чиқишини айта олган шоир. Аслида шоир глобал муаммо ҳисобланган интернетни “Интернет”да ёзиб чиққан. Бу каби кескин муаммоларни кўндаланг қўйиш, ўқувчиларни мушоҳадага чорлаш ҳар бир ёзувчининг, шоирнинг гарданидаги вазифадир. Зеро, “Умумбашарий глобал юксалиш ва инқироз нуқталарини билиш, уларни яратилаётган бадий асарлар моҳиятига сингдириш, умумбашарий ва миллий қадриятларни бир бутун ҳодисага айлантириш бугунги адабиёт олдидаги долзарб масалалардан биридир” [2;12]. Шу ўринда Сирожиддин Саййид адабиётимиз олдидаги яна бир вазифани уддалади, деб ўйлаймиз. Шеър тили жуда содда ва равон. “...шеърда нутқ товушларидан санъаткорона фойдаланиш, турли усулларни ўринли қўллаш асарга

жозибадорлик, муסיкийлик бахш этади. Муסיкийлик эса шеърнинг кишилар руҳига, ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиши, уларнинг онгига етиб бориши ва хотираларида гўзал кўшиқдек сақланиб қолиши учун йўл очади” [4;196]. “Интернет” шеърининг қуйидаги ўринларининг жозибали, муסיкий бўлишида “ш” ҳарфининг роли бор:

*Охир ер юзини айладинг ишғол,
Бир ишинг яхши-ю, бир ишинг - ишқал.
Сен сўнмай, сўлимай ёз-қиш яшайсан,
Қитъадан қитъага миш-миш ташийсан [3;15].*

“Хавотир”да эса шоир миллат келажагига, тақдирига қайғуриш билан қарайди. Шеър 2007 йилда ёзилган. Мустақиллик эпкини кезиб юришига қарамасдан айрим кишилар руҳиятида, дунёқарашида мужмаллик, бадбин ўйлар ҳукмронлиги, бу эса жамият ривожига, юрт келажагига раҳна солиши қаламга олинади. Ҳар бир жабҳада ислохотлар, янгиланишлар бўлаётганини тилга олган шоир яратиб берилган имкониятларни суистеъмол қилаётган кимсаларнинг борлигидан куюнади. Дунёқараши кенг, қалби тоза инсонларнинг четга чиқиб қолишини шоир “...Саллалар келдию - калла йўқолди” жумласи мисолида яхшигина изоҳлайди.

*Яъни мачитларинг босган хазонлар
Тўзди кетди бари – қайтди азонлар,
Жума намозларинг тўла айвонлар.
Лекин қандай қилиб, айтгин, инсонлар,
Шунча улуг нурдан тола йўқолди -
Эгри йўллар аро бола йўқолди [3;106].*

Аслида маънавиятимизнинг, маърифатимизнинг асоси ҳисобланган муқаддас динимизнинг юртга қайтиши, диний эркинликка, эътиқод эркинлигига йўл берилиши, бу соҳадаги қатор ислохотлар қалбларга таскин беради. Лекин динни ниқоб қилиб “улуг нур”ни зулматга айлантормоқчи бўлганлар шоирни хавотирга солади. Шунинг учун ҳам шоир халқни шукроналикка, миллатни уйғоқликка чақиради.

Учинчи бандда ғаллаларнинг, кўй-кўзи-ю бойликларнинг йўқолиши фожиа эмаслигини, асли фожиа юртда “Ҳаё деган қалъа”нинг йўқолиши деб билади шоир. “Ҳаё қалъасининг” йўқолиши интеграллашган масаладир. Ҳаёнинг йўқолиши ахлоқсизликнинг бошланишидир. Бу эса юзлаб фожиаларнинг пайдо бўлишига асос. Боқимандалик, лоқайдлик, гиёҳвандлик, диний экстримизм, бир жинсли никоҳларнинг пайдо бўлиши, ҳайвоний ҳис-туйғуларнинг кўпайиши бунинг исботидир. Ижодкор эса бу фожиаларнинг олдини олишга, бундай иллатлардан тегишли хулосалар чиқаришга чақиради.

*...Сенга ҳавас қилиб яшайман, укам,
Замон парвозига улгур, интил, ет,
Сенга қанот бўлар учқур интернет.
Фақат қалбинг аро лола йўқолди,
Китоб деган яшил дала йўқолди [3;107].*

Замонавий технологияларнинг тараққий этиши инсон кўнглини қанчалик кўтармасин, бунинг эвазига кишиларнинг китобдай азиз неъматдан узоқлашиши киши таъбини хира қилади. Инсондаги барча эзгу ҳислатларнинг шаклланишида китобнинг ўрни бекиёслигини тилга олган шоир инсонларни китоб билан ошно бўлишга даъват қилади. Тадқиқотчи Шаҳноза Қаҳҳорованинг бу борада ғарб олимларининг фикрларига таяниб ёзган ушбу фикрлари характерлидир. “...тобора жадал ривожланаётган технологияларнинг қулига айланиб қолаётган одамзот антропоник инқирозни бошидан кечираяпти. Натижада у инсоният жамиятидан “пост инсоният” жамиятига ўтиш хавфи билан юзма-юз турибди” [2;8]. Бундан кўриниб турибдики, шоир кишиларни китоб билан юзма-юз қилиш орқали жамиятга рахна солиб турган хавфга қарши чиқади.

*...Бугун энг қадимий ялла йўқолди,
Кўнгил бешигидан алла йўқолди [3;107].*

Ушбу жумлалар билан якун топган шеър миллий қадриятларимизнинг, урф-одат, анъаналаримизнинг маънавиятимиз ривожигаги ўрни

беқиёслигини таъминланишини таъкидлайди. Зеро, миллий кадриятларимизга содиқлигимизгина маънавий оламимизнинг бойишига, мустаҳкамлашишига туртки бўлади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Сирожиддин Саййид ўз шеърларида нафақат атрофимиздаги, балки жаҳон миқёсидаги муаммоларни ёрита олган, ечим излашга барчани ундаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бадиий матн таҳлили ва талқини муаммолари. //Илмий–назарий конференция материаллари. www.ziyouz.com кутубхонаси.
2. Назаров Б. ва бошқ. Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. – Тошкент: Фан, 2018. – 352 б.
3. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2007. – 304 б.
4. Саййид, Сирожиддин. Шеърлар тўплами. III жилд. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 576 б.